

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган
АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
1.	Кенгаш йиғилашларини ҳар чоракда (<i>йилда тўрт мартаба</i>) ташкил этиш	1. Йиғилиш санаси ва кун тартибини келишиш. 2. Белгиланган муддатларда йиғилишни ўтказиш. 3. Йиғилиш якунлари бўйича тегишли Баённомани ТИВга тақдим этиш.	ҳар чоракда келишилган саналарда	Кенгаш раиси Кенгаш котиби
2.	Кенгаш фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқаро майдонда илгари сурилаётган ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, бундан ташқари жаҳон сиёсатида рўй бераётган воқеаларнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатига таъсири юзасидан муҳокамалар ташкил этиб бориш	1. Республика Раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ва жаҳон сиёсатидаги долзарб воқеаларни таҳлил қилиш ҳамда муҳокама мавзуларини белгилаш. 2. Белгиланган мавзулар бўйича очик муҳокамалар ташкил этиш. 3. Муҳокамалар натижасида шаклланган таклиф ва хулосаларни умумлаштириш ва ТИВга тақдим этиш.	доимий	Кенгаш аъзолари ТИВ таркибий бўлинмалари

3.	Ташқи ишлар вазирлиги ва Прогрессив ислохотлар маркази ўртасида ахборот-таҳлилий йўналишда ҳамкорликни йўлга қўйиш	1. Ахборот-таҳлилий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини аниқлаш, маълумот алмашиш механизмини ишлаб чиқиш. 2. Халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва глобал жараёнлар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш, таҳлилий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.	доимий	Прогрессив ислохотлар маркази (М.Асланов) ТИВ қошидаги Ташқи сиёсий тадқиқотлар ва халқаро ташаббуслар маркази (С.Валиев) ТИВ (Ш.Йигиталиев)
4.	Жамоатчилик кенгаши аъзолари орқали халқаро майдонда рўй бераётган айрим масалалар юзасидан билвосита баёнотлар бериш амалиётини йўлга қўйиш	1. Халқаро воқеалар юзасидан билдириладиган баёнотлар (муносабат) мавзуларини ва форматларини аниқлаш. 2. Баёнотларни мақсадли аудиторияга етказиш. 3. Баёнотлар жамоатчилик ва халқаро ҳамжамиятда қандай қабул қилинаётганини таҳлил қилиш.	доимий	Кенгаш аъзолари ТИВ (А.Бурханов)
5.	Ўзбекистонда ўтказиладиган йирик халқаро тадбирларни ёритиш жараёнида умумий ёндашувни шакллантириш, хусусан бу борада эълон қилинадиган	1. Ўзбекистонда ўтказиладиган йирик халқаро тадбирларни ёритиш бўйича ягона ахборот сиёсати ва ёндашувни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларнинг мақсади ва аҳамиятини акс эттирадиган махсус	доимий	Кенгаш аъзолари ТИВ (А.Бурханов)

	материалларда муайян хэштеглардан фойдаланиш ва бу орқали яхлит ахборот базасини яратиш	хэштеглар ишлаб чиқиш. 3. Ахборот агентликлари, дипломатик ваколатхоналар ҳамда халқаро медиа платформалар орқали тадбирларни ёритишда тавсия этилган хэштеглардан фойдаланишни таъминлаш. 4. Тизим самарадорлигини баҳолаш, ижтимоий тармоқлар ва халқаро медиа майдонлар орқали натижаларни таҳлил қилиш.		
6.	Ташқи ишлар вазирлигининг ОАВ учун мунтазам равишда чиқишлар қилиш амалиётини кенгайтириш	1. Долзарб ташқи сиёсий масалалар, халқаро муносабатлар ва дипломатик фаолият юзасидан устувор мавзуларни аниқлаш. 2. Оммавий ахборот воситалари билан тизимли мулоқотни ташкил этиш. 3. ОАВ орқали етказилган маълумотларнинг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинишини таҳлил қилиб бориш.	доимий	Кенгаш аъзолари ТИВ (А.Бурханов)
7.	Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан мулоқотларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юзасидан ахборотлар бериш	1. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юзасидан ватандошлар ўртасида ролик ва тақдимотлар ўтказиш. 2. Ватандошлар учун онлайн платформалар яратиш орқали доимий мулоқотларни олиб бориш. 3. Хориждаги ватандошларнинг	йил давомида	“Ватандошлар” фонди ТИВ

		жамоат бирлашмалари билан учрашувлар ўтказиш, таклифларини мунтазам ўрганиш. 4. «Ватандошлар форуми» ўтказиш орқали уларнинг ташаббусли лойиҳаларини юртимизга жалб қилиш.		
8.	Хорижда ватандошлар ўртасида ўзбек тили, маданияти урф-одат ва миллий қадриятларни сақлаш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаш	1. Хориждаги ватандошлар учун ўзбек тилини ўрганиш онлайн курсларини ташкил этиш. 2. Хориждаги ватандошларни бирлаштиришга қаратилган маданий ва спорт тадбирларини ўтказишга кўмаклашиш. 3. Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хориждаги ватандошлар учун илмий анжуман ва вебинарлар ташкил этиш.	йил давомида	“Ватандошлар” фонди ТИВ
9.	Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш	1. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар юзасидан маълумотлар тарқатиш учун блогерлар ва ОАВ билан ҳамкорлик қилиш. 2. Хорижда Ўзбекистон маданияти ва туризм салоҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш. 3. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда анжуман ва конференциялар ташкил этишга кўмаклашиш.	йил давомида	“Ватандошлар” фонди ТИВ

10.	Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиш	1. Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижросини устидан мониторинг ўтказиб бориш; 2. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	доимий	Комплаенс назорати хизмати Дж.М.Сагдуллаев
11.	Кенгаш фаолиятини ОАВда ёритилишини таъминлаш	1. Кенгаш фаолияти ҳақида маълумотларни ТИВ расмий веб-сайти, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда Кенгаш аъзолари веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида жойлаштириб бориш; 2. Маълумотларни ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш.	ҳар чоракда	“Дунё” АА Кенгаш аъзолари
12.	Ташқи сиёсатдаги муҳим воқеаларнинг чуқур таҳлили ва шарҳи	1. Телеканаллар учун таҳлилий интервьюлар тайёрлаш; 2. Муҳим воқеалар юзасидан таҳлилий мақолалар тайёрлаш.	доимий	Дунё” АА Кенгаш аъзолари